

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Юридик фанлари

САЛОМОВ Сарвар Ташпулатович

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги Божхона қўмитасининг Божхона институти*

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7566660>

БОЖХОНА СЕРВИСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда ташқи савдо операцияларини соддалаштиришда божхона органлари томонидан соҳани рақамлаштириш ва сунъий интеллектни қўллаш йўналишлари ва мавжуд имкониятлар таҳлили ёритилган, шунингдек жаҳон тажрибаси асосида амалий тавсиялар келтирилган. Кўриб чиқиладиган муаммо бўйича халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Россия Федерацияси ҳамда АҚШ қонунчилигининг асослари таҳлил қилинган. Божхона сервисининг асосий мезонлари тақдим этилган. Божхона сервис таркибининг очиқ ва конфиденциал таркибий қисмларини моделлаштириш ва унинг маълумотлар базасини бошқариш алгоритминини ишлаб чиқишнинг асосий муаммолари масалалари шакллантирилган.

Калит сўзлар: электрон ҳужжатлар, электрон ҳужжат айланиши, божхона хизматлари, божхона сервис, иқтисодий хавфсизлик, Мурожаатнома, товарлар, транспорт воситаси, ташқи иқтисодий фаолият, логистика.

АННОТАЦИЯ

В данной статье выделены современные направления цифровизации и использования искусственного интеллекта таможенными органами при упрощении внешнеторговых операций и анализ имеющихся возможностей, а также представлены практические рекомендации, основанные на мировом опыте. Анализируются международные нормативно-правовые документы и основы законодательства Российской Федерации и США по рассматриваемой проблеме. Представлены основные критерии таможенной службы. Сформулированы основные проблемные вопросы моделирования открытой и конфиденциальной составляющих таможенной службы и разработки алгоритма управления ее базой данных.

Ключевые слова: электронные документы, электронный документооборот, таможенные услуги, таможенная служба, экономическая безопасность, Приложение, товары, транспортные средства, внешнеэкономическая деятельность, логистика.

ANNOTATION

This article highlights the modern directions of digitalization and the use of artificial intelligence by customs authorities in the simplification of foreign trade operations and an analysis of the available opportunities, as well as practical recommendations based on world experience. The international normative-legal documents and bases of the legislation of the Russian Federation and the USA on the considered problem are analyzed. The main criteria of the customs service are presented. The main problematic issues of modeling the open and confidential components of the customs service and developing an algorithm for managing its database are formulated.

Key words: electronic documents, electronic document management, customs services, customs service, economic security, application, goods, vehicles, foreign economic activity, logistics.

Давлатимиз раҳбари иқтидорга келгандан бошлаб, давлатчилик амалиётида ноёб ҳисобланадиган халққа ва парламентга мурожаат қилиш амалиётини йўлга қўйди. Бу билан Президентнинг халқ билан тўғридан-тўғри ва ишончли мулоқоти ўрнатилди. Мурожаатнома ўз навбатида аҳолининг ҳуқуқий маданияти, сиёсий-ҳуқуқий онги ва фуқаролик фаоллигини оширишга хизмат қиладиган дастурга айланди. Мурожаатномада одамларни рози қилган ҳолда мамлакатни ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалаларни ҳал этиш мақсадида жамият-давлат мустаҳкамлигига эришиш муҳимлиги алоҳида эътироф этилди.

Божхона операцияларини амалга ошириш тезлиги, улар фаолияти самарадорлигининг асосий меъзонларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишдаги божхона операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ вақтни қисқартиришга қаратилган тадбирлар мунтазам ташкил этилади. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси томонидан божхона расмийлаштирувини амалга оширишда тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш ва уларни рақамлаштириш божхона операциялари учун кетадиган вақтни қисқартиришнинг самарали йўналишларидан бири ҳисобланади.

Одатда, транспорт воситасининг божхона чегарасини кесиб ўтишда божхона операцияларини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлиб, божхона органларининг автоматлаштирилган ахборот тизими хизмат қилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, божхона органларининг амалиётида бир қатор автоматлаштирилган ахборот тизимлари қўлланилиб келинмоқда. Масалан, Европа иттифоқи давлатларида НСТС, АҚШда АТС-Л, Россияда ЕАИС ва бошқа ахборот тизимлари жорий қилинган.

Бугунги кунда глобаллашув жараёни ҳар бир соҳани қамраб олгани сингари божхонани тартибга солиш масаласини ҳам четлаб ўтмайди. Ўзаро иқтисодий интеграция, электрон тижоратнинг қўпайиши, рақамли тизимларнинг ривожланаётгани, инсон омилининг қисқаруви ўз навбатида, божхона органлари фаолиятини ҳам хорижий тажриба асосида мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Божхона маъмурчилигининг самарадорлигини таҳлил қилсак, ҳозирда долзарб масалалардан бири бўлган рақамли божхона алоҳида аҳамият касб этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботида электрон ҳукуматнинг тараққиёти бўйича лидер давлатлар сифатида Дания, Жанубий Корея, Эстония, Финляндия, Австралия, Швеция сингари мамлакатлар юқори поғоналарни эгаллаган (*мазкур ҳисоботни тузишда бевосита божхона хизматларининг рақамлаштирилгани ва интернет тармогини ишлата олиш имкониятларига баҳо берилди*). Негаки, ушбу давлатлардаги электрон ҳукуматнинг тўлақонли фаолият юритиши ҳамда мутахассисларнинг ахборот технологияларини қўллаш даражаси божхона расмийлаштируви ҳамда божхона назоратини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш имконини беради.

Қоғозсиз божхона атамаси 2008 йилда Кунио Микуриянинг Халқаро қоғозсиз муҳит – ташаббусларнинг комплекс доирасидаги изчиллик маърузасида илк маротаба қўлланган бўлиб, бу қоғоз ҳужжатлари ёрдамида божхона расмийлаштирувидан ўтишни англатмайди, балки келажакда ягона ойна учун асос бўладиган электрон муҳитни яратишни англатади.

Жаҳон савдо ташкилотининг (кейинги ўринларда ЖСТ) қарашларига кўра, электрон божхона тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 1) божхона мақсадлари учун ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш, соддалаштириш;
- 2) божхона ишини 24/7 тамойили бўйича автоматлаштириш;
- 3) бож ва солиқларни электрон тўлаш;
- 4) божларнинг электрон калькулятори;
- 5) ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига уяли алоқа хизматлари;
- 6) товарлар учун тўланган божхона тўловларини электрон тарзда қайтариш;
- 7) савдо оператори худудида текшириш ва бошқа расмий текширишлар;
- 8) товарларни юклашдан олдин дастлабки қўшимча маълумотларни тақдим этиш;

9) ташиладиган товарлар учун божхона декларациясининг электрон версиялари;

10) божхона декларацияси тизими;

11) фойдаланиш учун махсулот нархининг минимал ва чегара кўрсаткичларини белгилаш.

М.В. Бойкованинг наздида, Финляндияда мобил назоратни жорий этиш туфайли энди божхона хизматлари алоҳида божхона назорати зоналаридан мустақил равишда тақдим этилиши мумкин ва бу маълум даражада Хитой тажрибасини эслатади. Мобил ёндашув бутун мамлакат бўйлаб божхона функцияларини мослашувчан ташкил этишга, шунингдек молиявий ва инсон ресурсларидан анча самарали фойдаланишга имкон беради [4].

А.Ю. Года, У.А. Егорова, В.В. Макрусевлар рақамли божхонани ривожлантиришдаги хорижий тажрибани ўрганишда Хитой ва АҚШнинг амалиётига алоҳида эътибор қаратганлар.

2016 йил Жаҳон божхона ташкилоти (кейинги ўринларда ЖБТ) томонидан Рақамли божхона йили деб эълон қилинди. Божхона органлари божхона тўловларини йиғиш ва тўлашни таъминлаш, товарларнинг, одамлар, транспорт воситалари ва маблағларнинг ҳаракатланишини назорат қилиш, шунингдек ўзаро фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни фаол равишда намойиш этишлари кераклиги белгиланди.

“Рақамли божхона” парадигмасининг пайдо бўлиши объектив равишда мавжуд бўлган, жадал ривожланаётган халқаро иқтисодий ҳодиса бўлган рақамли иқтисодиётнинг фаолияти билан белгиланади. Оксфорд луғатига кўра, рақамли иқтисодиёт бу асосан рақамли технологиялар, хусусан Интернет орқали амалга ошириладиган электрон операциялар ёрдамида ишлайдиган иқтисодиётдир.

ЖБТ нашрларининг бирида “рақамли божхона” атамаси божхона тўловларини тўлашни таъминлаш, товарлар, одамлар, транспорт воситалари ва пул оқимини назорат қилиш ва халқаро савдони жинойтчиликдан ҳимоя қилиш учун рақамли тизимлардан фойдаланиш деб таърифланган.

Хитойда божхоналарни рақамлаштириш, ҳужжатлар ва маълумотларга тузатишлар ва қўшимчалар киритиш, аризалар юбориш ва уларни рўйхатдан ўтказишда онлайн усуллардан фойдаланган ҳолда, божхона расмийлаштирувнинг вақтини қисқартирилган. Хитой ҳукумати исталган натижага эришиш учун божхона ва назорат органларининг интеграциясини тезлаштириш ва ҳокимият фаолиятини тартибга солувчи қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали ўз зиммасига олади.

Иқтисодиётда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг энг фаол аъзолари бу импортёрлар ҳисобланиб, уларнинг фаолиятида божхона қонунчилигига бўйсунуш даражаси хавфни бошқаришда энг муҳим омил ҳисобланади. Дунё миқёсида мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар – ташқи иқтисодий фаолият ривожланиб борар экан, табиийки импортёрлар ва улар томонидан олиб бориладиган божхона операциялар ҳажм ва миқдор жиҳатидан кенгайиб бораверади. Маълумки, божхонада хавф – божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси ҳисобланади.

Жаҳон божхона ташкилотининг “Юқори технологиялар ўқув ҳисоботи”да сунъий интеллект ва божхонада сунъий интеллектни қўллашга оид тушунчалар баён қилинган. Хусусан: Сунъий интеллект – бу инсонларга ўхшаб ишлайдиган ва реакцияга киришадиган ақлли машиналарни яратишга оид компьютер илмининг асосий йўналиши ҳисобланади. Божхонада сунъий интеллектдан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- Чегарада божхона божлари ва солиқларнинг ундирилишини таъминловчи моделлар;
- Уйғунлаштирилган тизим бўйича товарларни таснифлаш;
- Божхона аудити соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш ва божхона аудити ходимларига қонунчиликка мос келмайдиган ҳолатларни аниқлаш имкониятини яратиш;
- Контрабанда ҳолатларини ва контрафакт товарларни аниқлашда хавфларни баҳолаш самарадорлигини ошириш;

- Юкларни текширувдан ўтказиш самарадорлигини ошириш мақсадида рентген (X-рай) сканерларидан олинган тасвирларни таҳлил қилиш;
- Божхона ҳудудида ва божхона оморларида логистика мониторинги ва назорати;
- Чегарада инсон қиёфасини таниб олиш ва визуал қидириш воситалари ёрдамида юқори хавф даражасига эга бўлган йўловчилар ва транспорт воситаларини аниқлаш, рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг интеллектуал таҳлили ва самарали хавфларни бошқариш тизимини амалга ошириш;
- Чегарада саволларга жавоб берувчи ақлли-роботларни қўйиш орқали йўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатиш;
- Мобил дастурларни яратиш орқали чегарада йўловчилар томонидан тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини мустақил ҳисоблаш ва тўлаш хизматини тақдим этиш ва бошқалар.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади.

Иқтисодий ва менежментни рақамлаштириш ташқи савдо товар айланмасига ва божхона тартиботлари давлат механизмларига таъсир этмай қолмайди. Сўнгги йилларда божхона органлари фаолияти анъанавий қоғозли ҳужжат айланувидан “қоғозсиз божхона”га, сўнгра электрон божхонага ўтиш бўйича босқичма-босқич ҳаракатлар амалга оширилди.

Электрон декларациялаш, товарларни божхона ходими иштирокисиз автоматик расмийлаштириш, хавфни бошқариш тизимига асосланган божхона назорати, товарларни контактсиз масофадан расмийлаштириш, “Божхоначисиз – божхона” концепцияси ва божхона орқали тартибга солишнинг соддалаштирилган замонавий таомилларини жорий этилишига олиб келди ҳамда божхона қонунчилигида тегишли ўзгаришларга олиб келди.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай бизнес муҳитини яратиш, импортни жараёнларини оптималлаштириш ва соддалаштириш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда божхона тизимининг рақамлашганлиги муҳим аҳамият касб этади [1].

Божхона назорати самарадорлигини ошириш деганда, айниқса ҳозирги кунда муҳим эътибор берилаётган тизим, яъни, «Божхоначисиз божхона» жуда ҳам манфаатли ҳисобланади. Ушбу тизим ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам амалиётга жорий этила бошлаган. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги Самарқанд халқаро аэропортида ҳозирда ушбу тизим ишламоқда ҳамда божхона органлари ходимларининг иш самарадорлиги ортиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Тизим қандай ишлаши ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги кунда ушбу тизимни кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ўрганишимиз мумкин. Масалан, Европа мамлакатларида ушбу тизим жуда кўп қўлланилишини кузатишимиз мумкин. Яъни, божхона назоратини амалга оширишда божхона ходимлари замонавий техник ускуналардан, тизимлардан фойдаланган ҳолда, чегарада ҳаракатланаётган шахслар ва транспорт воситаларини кузатиб туришмоқда [2]. Энг кенг қўлланилаётганларидан бу камералар орқали кузатувни олишимиз ҳам мумкин. Чунки, кўплаб ҳаракатланаётган фуқароларни камера ортида туриб уларни ҳаракатларини, ўзларини тутишларини кўрадиган бўлсак, уларга профайлингни қўллаган ҳолда танлаб текширишни амалга оширишимиз мумкин.

Ривожланган ҳамда ривожланаётган хорижий мамлакатларнинг божхона соҳасидаги амалга ошираётган энг муҳим ислохотлари божхона тартиботларини (товар моддий бойликлари, жисмоний шахслар, транспорт воситалари ва пул маблағларининг ҳаракатлигини умумий, ҳар томонлама назорат қилиш, божхона тўловларини ундириш ва

тўланишини таъминлаш, божхона аудити) максимал даражада автоматлаштириш ҳамда рақамлаштириш ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2016 йилдан Жаҳон божхона ташкилоти томонидан «Рақамли божхона» атамасини қўлланила бошланганига қарамасдан ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда дунёга машхур луғатларнинг саҳифаларида “Рақамли божхона” атамасининг аниқ таърифи мавжуд эмас яъни ҳозиргача расмий таъриф берилмаган. Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби, Кунио Микурия томонидан ўзининг “Рақамли божхона, ахборот асрининг имкониятлари” номли мақоласида божхона маъмуриятлари ва Жаҳон савдо ташкилоти иш дастурларида ахборот коммуникация технологиялари муҳимлиги яна бир бор таъкидланиб, рақамли божхона атамаси қуйидагича таърифланади:

“Рақамли божхона, божхона тўловларини йиғиш ва ҳимоя қилиш, товарлар, одамлар, транспорт воситалари ва пул оқимини назорат қилиш ва трансчегаравий савдони жиноятчиликдан, шу жумладан бутун дунё бўйлаб бош кўтаришда давом этиб турган халқаро терроризмдан ҳимоя қилиш учун рақамли тизимлардан фойдаланишни англатади” [3]. В.Б. Мантусовнинг фикрича, “Рақамли божхона” тушунчаси ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базалари, булутли технологиялардан фойдаланишни, электрон божхона технологиялари, шунингдек, глобал интернет, оммавий ахборот воситалари ва уяли алоқа тармоқлари орқали олинган маълумотларнинг интеграциялашувини назарда тутди. Рақамли божхонада қўлланиладиган воситалар нафақат ахборот алмашинувини амалга ошириш, балки катта маълумотларни ақлли таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва тўплаш технологияларидан фойдаланиш асосида божхона хизматлари ва бизнес ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш имконини беради [4].

Жаҳон божхона ташкилотининг қарашларига кўра, “электрон божхона” тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

божхона мақсадлари учун ҳужжатларни электрон қайта ишлаш, соддалаштириш ва дематериализация қилиш;

божхона ишини “24/7” тамойили бўйича автоматлаштириш;

божлар ва солиқларни электрон тўлаш;

электрон тўлов калькулятори;

мобил алоқа хизматлари;

товарларни электрон тарзда қайтариш ва улар учун тўланган божхона тўловлари;

савдо оператори ҳудудида скрининг ва бошқа хизмат текширувлари;

товарларни юклашдан олдин дастлабки қўшимча маълумотларни тақдим этиш.

Ҳозирги пайтда дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг божхона хизматида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳам электрон божхона, божхонани рақамлаштириш ва автоматлаштириш атамалари кенг қўлланилиб келмоқда. Албатта, ушбу атамаларнинг бир-биридан фарқи, шунингдек, уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлик жиҳатлари бўйича кўплаб фикрлар, қарашлар мавжуд.

Мисол учун, электрон божхона тушунчасида қоғозда амалга ошириладиган жараёнларни максимал даражада компьютерлаштириш ҳисобланади. Божхона соҳасидаги ҳужжатлар ва жараёнларнинг тўлиқ ҳамда мукамал ҳолда компьютерлаштирилишини – рақамли форматга (шаклга) ўтказишни рақамлаштириш деб айтишимиз мумкин. Оддий сўз билан айтганда, божхонани рақамлаштириш соҳага рақамли технологиялар жорий этишдир. Божхонани рақамлаштириш божхона соҳасининг маълум бир йўналиши тўғрисидаги маълумотларни уларнинг бутун фаолият цикли давомида узлуксиз бошқаришни, шу жумладан маълумотларни автоматик йиғиш, тўплаш, ўзгартириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, бундай маълумотларни яратишни ўз ичига олади.

Хорижий мутахассислардан Россия божхона академияси илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, юридик фанлар номзоди Мозер Сергей Владимирович ўзининг *Формирование правового института электронной таможни: Российский опыт* (“Электрон божхона ҳуқуқий институтининг шаклланиши: Россия тажрибаси”) номли мақоласида Россия

Федерациясининг 2030 йилгача бўлган стратегия лойиҳасида электрон ёки рақамли божхона нима деган саволга таърифлар йўқлигини айтган.

Шунингдек Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги Киото халқаро конвенциясида ҳам электрон ёки (рақамли) божхона тушунчалари қўлланилмаганлигини таъкидлайди ҳамда электрон божхона ва рақамли божхона ўртасидаги фарқни соҳадаги барча жараёнлар билан боғлаб қуйидагича келтириб ўтади:

Рақамли: божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш, рақамли платформалар ва технологиялар, тўлов механизминини рақамлаштириш, рақамли ахборот технологиялари, рақамли тизимлар, рақамли молиявий активлар, тезкор-қидирув фаолиятини хужжатлаштиришни рақамлаштириш, божхона маъмуриятини рақамлаштириш, Россия Федерацияси божхона органлари фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни рақамлаштириш ва бошқалар.

Рақамли божхона кенг қамровли, келажакка қаратилган тушунчадир, яъни божхонани рақамлаштириш:

- Илғор (рақамли) технологияларни қўллаш;
- Операцион жараёнларни ўзгартириш (божхона операциялари);
- Бизнес жараёнларини оптималлаштириш (божхона операциялари);
- Бизнес моделлари;
- Кенгайтирилган таҳлил;
- Сунъий интеллект;
- Мобил ва тақиладиган қурилмалар;
- Автоматлаштириш;
- Роботлаштириш;
- Интеграция технологиялари платформалари;
- Рақамли божхона модели ва унинг вариантлари;
- Рақамли божхона: прогрессив иштирок (рақамли божхона хусусиятлари);
- Автоматлаштирилган фаолият;
- Электрон фаолият;
- Электрон ечимлар;
- Божхона расмийлаштирувининг автоматлаштирилган тизимлари;
- Ягона ойна механизми;
- Рақамли муҳит;
- Рақамли технологиялар;
- Ахборот ва коммуникация технологиялари;
- Смартфондан фойдаланиш;
- Катта ҳажмдаги маълумотлар;
- Телематика;
- Булут технологиялар;
- Мобил технологиялар;
- Кенгайтирилган таҳлил ва ахборотни бошқариш воситалари.

Бундан ташқари, божхона ишида автоматлаштириш рақамлаштиришнинг ажралмас қисмидир, бироқ автоматлаштириш билан рақамлаштириш синоним атамалар ҳисобланмайди. Автоматлаштириш оддийгина рақамли технологиядан фойдаланган ҳолда қўлда бажариладиган ишларни янада самаралироқ қилиш мақсадида инсон аралашувисиз автоматик тарзда амалга ошириш жараёнидир.

Шуни айтиб ўтишимиз жоизки, вақт масаласи асосий муаммо бўлмоқда, бу ўз ўрнида кўплаб тирбандликлар ва узундан-узун навбатларни келтириб чиқаради. Божхона органлари ходимларининг чегарадан ҳаракатланаётган шахсларга нисбатан амалга оширадиган божхона операциялари самарадорлиги камайиб кетишига олиб келади. Юкоридагилардан келтириб ўтилишидан мақсад, ҳозирги кунда божхона назоратини самарадорлигини ошириш ва божхона назоратини соддалаштиришда юкорида айтилган ҳолатлар жуда ҳам манфаатли бўлади.

Яъни, агарда биз ҳозирги божхона тизимимизга янги технологияларни олиб киришимиз бизга божхона тизимида шаффофликни оширишга ёрдам беради.

Автомобил чегара божхона постларида мавжуд паспорт, божхона ва бошқа назорат пунктларини транспорт воситаси кабинаси тенглигидаги баландликка ўрнатиш масаласини кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади, чунки, агар биз ушбу таклифни амалиётга жорий қиладиган бўлсак, чегарадан ҳаракатланаётган транспорт воситаларини назоратини амалга оширишимиз самарадорлиги ошади. Божхона расмийлаштирувини амалга оширувчи инспектор ҳозирги кунда постда транспорт воситалари кўпайиб кетаётганлиги, тирбандликлар юзага келаётганлиги сабабли айнан қайси транспорт воситаси расмийлаштирилаётганини ажратиб олишга қийналмоқда. Бу таклифни амалиётга жорий қилиш билан, нафақат транспорт воситасини, балки ҳайдовчини ҳам ҳаракатларини кузатиб туришимиз, ҳамда, божхона назоратига сарфланадиган вақтни қисқартиришимиз мумкин.

ИҚТИБОСЛАР

1. Берзинь О. А. Таможенная служба США и особенности её правоохранительной деятельности // журнал Публично-правовая исследования, 2013, № 3, с.3-15. <https://publications.hse.ru/articles/94814227>. (мурожаат санаси 14.12.2022).
2. Ерошенко С.С., Мальшенко Ю.В., Федоров В.В. Особенности построения и эффективность систем автоматизации таможенного оформления и контроля таможенных служб России и США.// Вестник российской таможенной академии, 2(3) 2008. Стр. 15-24.
3. Кожанков А.Ю. Цифровая таможня – современный международный тренд. Сущностные характеристики и прогнозируемые эффекты / А.Ю.Кожанков, К.И.Бабенко, О.Г.Боброва // Государственное управление Российской Федерации: вызовы и перспективы: Материалы 15-й международной конференции, 2018.
4. «Евросиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги бошхона назоратининг назарияси ва методологияси» диссертацияси – Иқтисод фанлари доктори, профессор Мелик Маргарита Викторовна. Москва – 2019 йил.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**